

# Мавзу. Юксалиш, ривожланиш ва иқтисодий сиёsat

1

- Иқтисодий ўсиш ва ривожланиш

2

- Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг циклилиги

3

- Иқтисодий инқироз ва унинг турлари

# Мавзунинг долзарбилиги

• Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина давлатларида постиндустриал иқтисодий тизимга ўтиш жараёнлари кузатилмоқда. Жаҳон иқтисодиётида глобализация жараёнлари шаклланиши шароитда иқтисодий ўсиш категориясида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Иқтисодий ўсишда миқдор кўрсаткичлар эмас, балки иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва унда иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида кўпроқ даражада сифат кўрсаткичларга, таркибий ўзгаришларга эътибор қаратилмоқда.

• Бугунги кунда иқтисодий ўсиш омиллари ўзгармоқда. Анъанавий омиллар (мехнат, ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти) каби омиллар ўрнига фан ва таълим, яъни умумлаштириб айтилганда миллатнинг интелекти бўлган омиллар биринчи ўринга чиқмоқда. Шу муносабат билан Республикаизда иқтисодий ислоҳотларнинг кейинги босқичида миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда. Иқтисодий адабиётда бу мавзу бўйича мавжуд мунозаралар иқтисодий тадқиқотларнинг турли жиҳатли ва турли йўналишда эканлигини таъкидламоқда. Шу муносабат билан ушбу мавзу нафақатгина амалий нуқтаиназардан, балки назарий жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

# 1. Иқтисодий ўсиш ва ривожланиш

## Иқтисодий ўсиш – бу

- Иқтисодий ўсиш - ишлаб чиқаришни модернизациялаш, иқтисодиётда прогрессив ўзгаришлар ва қайта қуришларнинг муҳим шарт-шароитидир. У тараққиётнинг ажralmas қисми, ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил қилади. Иқтисодий ўсиш - аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш воситаси ҳисобланади. Шу сабабли у давлат иқтисодий сиёсатининг негизи бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш нафақат ишлаб чиқариш, балки тақсимот муносабатларини такомиллаштириш, меҳнат ресурсларининг бандлигини таъминлаш, инвестицион фаолликни ошириш ва пировард натижада давлат бюджети даромадларининг кўпайиб боришини таъминлаш манбаи ҳисобланади. У кўпгина ички ва халқаро даражадаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Иқтисодий ўсиш мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини оширишга, экология ва мудофаа муаммоларини ҳал этишга имконият туғдиради.

# Иқтисодий ўсиш

- ЎСИШ (иқтисодиётда) — мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар яратиш ҳажмининг олдинги йил (давр) ларга нисбатан кўпайган миқдорда тақорланиши. Иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳар қандай мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади. Йилдан йилга аҳоли сонининг кўпайиши, кишилар эҳтиёжларининг мутассил ортиб бориши иқтисодий Ўсишни шарт қилиб қўювчи асосий сабаблардандир. Иқтисодий Ўсиш аҳоли турмуш даражасини оширишга, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласди.
- Иқтисодий Ўсиш негизида иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг ривожланиши туради. Иқтисодий ўсиш ишлаб чиқаришнинг илғор тузилмасига, юқори меҳнат үнумдорлиги даражасига, ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, маҳсулотни қурай бозорларда сотишга таянади. Бошқача айтганда, иқтисодий Ўсиш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини муттасил қўпайтириб бориш ва айни пайтда жамият тараққиётида технологик, иқтисодий ва ижтимоий тавсифларнинг яхшиланиб боришини англатади.

# Иқтисодий ўсиш

- Иқтисодий Ўсишни аниқлаш ва ҳисоблашда мамлакат иқтисодий тараққиётининг энг умумий кўрсаткичи бўлган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) асос бўлиб хизмат қиласи ва иқтисодий ўсишнинг муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ижобий томонга ўзгаришини кўрсатади. Иқтисодий ўсиш суръатлари ЯИМ ўсиш суръатларида ўз аксини топади.
- Иқтисодий Ўсиш мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг умумий ҳолатини ифодалайди. Реал ЯИМ ҳажмининг ўзгариши мамлакат иқтисодиёти ҳолати ва динамикаси тўғрисида маълумот берсада, иқтисодий Ўсишни тўлиқ акс эттирмайди. Mac, мамлакат аҳолисининг Ўсиш суръати 3% ни, реал ЯИМ нинг Ўсиш суръати ҳам 3% ни ташкил этди. Бундай ҳолатда, гарчи ЯИМ ҳажми ўсган бўлсада, кишиларнинг даромадлари ўзгармай қолади. Шу сабабли иқтисодий Ўсишни тўлароқ акс эттириш учун бошқа бир кўрсаткич — аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган реал ЯИМнинг ўзгариши кўлланилади.
- Реал ЯИМ ҳажмининг ўзгариши умуман мамлакат иқтисодиётининг муайян давр оралиғидаги ривожланишини ифодаласа, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ ҳажмининг ўзгариши иқтисодий ривожланишга кишилар турмуш даражаси орқали баҳо беришга хизмат қиласи.

# Иқтисодий ривожланиш

- Иқтисодий адабиётда “Иқтисодий ўсиш” ва “Иқтисодий ривожланиш” тушунчалари мавжуд. Турли иқтисодий мактаб ва йўналишларнинг вакиллари бир неча бор ўсиш ва ривожланишинг ўзаро боғлиқлиги муаммоларига мурожаат қилишган. Мазкур тушунчалар баъзан бир-бирига тенглаштирилган бўлсада, аммо кўпчилик ҳолларда улар бир-бирига мос мазмун моҳиятни бермайди. Иқтисодий ривожланиш иқтисодий ўсишнинг жабҳаларидан бири ҳисобланадими, ёхуд айнан “ривожланиш”ни “ўсиш”ни ўз ичига оловчи кенг тушунча сифатида қабул қилиш лозимми? Бугунги кунда мазкур саволга берилаётган жавоблар ичида умумқабул қилинган, яқдил фикрлар мавжуд эмас.
- Иқтисодий ўсиш одатда бирор бир аниқ сон билан ифодаланувчи аниқ бир қийматга масалан, ижтимоий маҳсулот (ялпи қўшилган қиймат)га “боғлаб” қўйилган бўлади. Иқтисодий ривожланиш эса, ушбу йўсинда жамият фаровонлиги (унинг бирор бир жиҳати ёки барча моддий, маънавий –аҳлоқий каби жиҳатларининг умумийлиги) кўринишида акс этади. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш - кенг қамровли категориялардир, аммо тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб уларнинг асосий жиҳатларини ажратиб олиш биз учун муҳим ҳисобланади. Иқтисодий ўсишни талқин этишда иқтисодий жиҳат, иқтисодий ривожланишни тушунишда эса ижтимоий жиҳат доминантлик (устунлик) қиласи, деб ҳисблаймиз.

# Иқтисодий ривожланиш

• Ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади - бу жамият эҳтиёжларини қондиришдан иборатdir, деб таъкидлаш албатта адолатдан бўлар эди. Аммо бу ўринда эҳтиёжларни юқори даражада қондириш, бу фаровонликнинг асосий мақсад ва вазифаси эканлигини унтишимиз мумкин эмас. Шундай қилиб, иқтисодий фаровонлик-иқтисодиёт ва такрор ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади бўлса, иқтисодий ўсиш эса- оралиқ мақсад, яъни ижтимоий маҳсулот яратиш заруриятидир. Маҳсулот яратиш-бу соф ишлаб чиқаришга хос масаладир, аммо такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини ҳисобга олган ҳолда фаровонликнинг ўсишини таъминлаш- бу пировард мақсад ҳисобланади ва шу йўсинда биз иқтисодий ривожланишни талқин этишимиз мумкин.

- Шу тариқа, биз иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш категорияларини талқин этиш борасида тез-тез учраб турадиган кўпгина чалкашликларни бартараф этишга ҳаракат қиласиз. Бунинг учун иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш категорияларини фарқлашнинг қўйидаги меъзонларини таклиф этамиз:
- Иқтисодий ўсиш кўпроқ ижтимоий маҳсулотнинг ўсиши билан, иқтисодий ривожланиш эса – фаровонликнинг яхшиланиши билан уйғунлашади;
- Иқтисодий ўсишга иқтисодий жиҳат (оралиқ тавсифга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш) хос бўлгани ҳолда, иқтисодий ривожланишга ижтимоий жиҳат хосдир, бунда жамият фаровонлигининг ўсиши пировард мақсад сифатида намоён бўлади.

# Жаҳондаги давлатларниң иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари

**TABLE 2.2.2 Europe and Central Asia country forecasts<sup>1</sup>**

(Real GDP growth at market prices in percent, unless indicated otherwise)

	2017	2018	2019e	2020f	2021f	Percentage point differences from January 2020 projections	2020f	2021f
Albania	3.8	4.1	2.2	-5.0	8.8	-8.4	5.2	
Armenia	7.5	5.2	7.6	-2.8	4.9	-7.9	-0.3	
Azerbaijan	0.2	1.5	2.2	-2.6	2.2	-4.9	0.1	
Belarus	2.5	3.1	1.2	-4.0	1.0	-4.9	0.5	
Bosnia and Herzegovina <sup>2</sup>	3.2	3.7	2.6	-3.2	3.4	-6.6	-0.5	
Bulgaria	3.5	3.1	3.4	-6.2	4.3	-9.2	1.2	
Croatia	3.1	2.7	2.9	-9.3	5.4	-11.9	3.0	
Georgia	4.8	4.8	5.1	-4.8	4.0	-9.1	-0.5	
Hungary	4.3	5.1	4.9	-5.0	4.5	-8.0	1.9	
Kazakhstan	4.1	4.1	4.5	-3.0	2.5	-6.7	-1.4	
Kosovo	4.2	3.8	4.2	-4.5	5.2	-8.7	1.1	
Kyrgyz Republic	4.7	3.8	4.5	-4.0	5.6	-8.0	1.6	
Moldova	4.7	4.3	3.6	-3.1	4.0	-6.7	0.2	
Montenegro	4.7	5.1	3.6	-5.6	4.8	-8.7	2.0	
North Macedonia	1.1	2.7	3.6	-2.1	3.9	-5.3	0.6	
Poland	4.9	5.3	4.1	-4.2	2.8	-7.8	-0.5	
Romania	7.1	4.4	4.1	-5.7	5.4	-9.1	2.3	
Russia	1.8	2.5	1.3	-6.0	2.7	-7.6	0.9	
Serbia	2.0	4.4	4.2	-2.5	4.0	-6.4	0.0	
Tajikistan	7.6	7.3	7.5	-2.0	3.7	-7.5	-1.3	
Turkey	7.5	2.8	0.9	-3.8	5.0	-6.8	1.0	
Turkmenistan	6.5	6.2	6.3	0.0	4.0	-5.2	-1.5	
Ukraine	2.5	3.3	3.2	-3.5	3.0	-7.2	-1.2	
Uzbekistan	4.5	5.4	5.6	1.5	6.6	-4.2	0.6	

# Иқтисодий ўсиш турлари

## Экстенсив иқтисодий ўсишга

- ишлиб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлиб чиқариш омиллари микдорининг кўпайиши туфайли эришилади.

## Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури

- шароитида маҳсулот чиқариш миёсларини кенгайтиришга ишлиб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлиб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлиб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади.

# Иқтисодий ривожланиш

• Ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади - бу жамият эҳтиёжларини қондиришдан иборатdir, деб таъкидлаш албатта адолатдан бўлар эди. Аммо бу ўринда эҳтиёжларни юқори даражада қондириш, бу фаровонликнинг асосий мақсад ва вазифаси эканлигини унтишимиз мумкин эмас. Шундай қилиб, иқтисодий фаровонлик-иқтисодиёт ва такрор ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади бўлса, иқтисодий ўсиш эса- оралиқ мақсад, яъни ижтимоий маҳсулот яратиш заруриятидир. Маҳсулот яратиш-бу соф ишлаб чиқаришга хос масаладир, аммо такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини ҳисобга олган ҳолда фаровонликнинг ўсишини таъминлаш- бу пировард мақсад ҳисобланади ва шу йўсинда биз иқтисодий ривожланишни талқин этишимиз мумкин.

- Шу тариқа, биз иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш категорияларини талқин этиш борасида тез-тез учраб турадиган кўпгина чалкашликларни бартараф этишга ҳаракат қиласиз. Бунинг учун иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш категорияларини фарқлашнинг қўйидаги меъзонларини таклиф этамиз:
- Иқтисодий ўсиш кўпроқ ижтимоий маҳсулотнинг ўсиши билан, иқтисодий ривожланиш эса – фаровонликнинг яхшиланиши билан уйғунлашади;
- Иқтисодий ўсишга иқтисодий жиҳат (оралиқ тавсифга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш) хос бўлгани ҳолда, иқтисодий ривожланишга ижтимоий жиҳат хосдир, бунда жамият фаровонлигининг ўсиши пировард мақсад сифатида намоён бўлади.

## 2. Макроиқтисодий бекарорлик ва иқтисодиётнинг цикллилиги


Вақти-вақти билан объектив қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида такрор ишлаб чиқариш ҳаракатида айрим вақтларда, айрим бўғинларда узилишлар пайдо бўлади ва бу узилиш иқтисодиёт номутаносибликларининг кескин шаклда намоён бўлиши хисобланади.

- Бу ҳолат иқтисодий адабиётларда иқтисодиётнинг цикли ривожланиши деб аталади.

### Иқтисодий цикл деганда

- одатда иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади.

# Иқтисодий цикл фазалари



## Инқироз фазаси

- у ишлаб чиқаришнинг пасайишида ифодаланади. Инқироз фазасининг асосий белгилари ва ўзига хос хусусиятларини мазкур бобнинг 3-бандида батафсил баён этилади.

## ТУРҒУНЛИК ФАЗАСИ

- Бу фазада ишлаб чиқариш даражасининг барқарорлиги таъминлансада, у инқироз бошланишидан олдинги даражага нисбатан анча паст бўлади. Нархларнинг пасайиши тўхтаб, ссуда фоизлари пасаяди, товар захиралари барқарорлашади. Бироқ ишсизликнинг юқори даражаси сакланиб қолади. Турғунлик фазаси давомида иқтисодий фаоллик жонланиши учун шароитлар вужудга келиши ниҳоясига етади.

## Жонланиш фазасида

- ищизлик даражаси бир оз қисқариб, ишлаб чиқариш даражаси секин-аста ўсиб боради. Нархлар ҳам аста кўтарилиб, ссуда фоизи ўса бошлайди. Иқтисодиётнинг бандлик даражасининг ортиши ва фойда ҳажмининг тезлик билан ўсиши жонланиш фазасининг юксалиш босқичига ўсиб ўтишига имконият яратади. Янги цикл юксалишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

## Юксалиш фазасида

- ишчи кучига бўлган талабнинг кенгайиши ищизликнинг бирмунча камайишига ҳамда иш ҳақининг ўсишига олиб келадики, бунинг оқибатида истеъмол товарларига тўловга қодир талаб кенгаяди. Пировард талабнинг ошиши, ўз навбатида, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, бозорни кенгайтиришга жадал туртки беради. Рақобат ва фойда кетидан қувиш оқибатида номутаносибликларнинг тўпланиб боришидан иборат занжирли реакция тезлашади. Бу билан янги инқироз муқаррар бўлиб қолади.

## 2. Иқтисодий цикл назариялари. Цикларнинг асосий турлари

Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий цикларнинг объектив тавсифини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қиласди.

Иқтисодий цикларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни **экстернал назария** деб аталади.

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб қўрсатиш мумкин:

1

- урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;

2

- олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши;

3

- янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равища аҳоли миграцияси, ер шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши;

4

- ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

Иқтисодий цикларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллари таъсирида вужудга келишини асословчи назария интернал назария деб аталади.

### Иқтисодий циклни келтириб чиқарувчи ички омиллар

1

- Асосий капиталнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб, хизмат муддати тугаши ва унинг янгиланиши

2

- шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши);

3

- инвестициялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажми;

4

- ишлаб чиқариш, талаб ва таклифлар ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

### **3. Инқирозларнинг мазмуни ва турлари**

**Иқтисодий инқироз деб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг кескин тушиб кетишига айтилади.**

Инқирознинг вужудга келиш сабаблари

жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар массаси тўловга қобил талабга мос келмай (ундан ошиб кетади ёки кам бўлади) қолади.

такрор ишлаб чиқаришдаги беқарорлик ва номутаносибликлардир.

# Инқироз турлари

Хўжалик тизимида мувозанатнинг бузилиши миқёсига кўра инқирозларни умумий ҳамда айрим соҳаларда юз берадиган инқирозларга бўлиш мумкин.

## Пул-кредит соҳасидаги инқироз.

- Мамлакатда пул-кредит тизимининг танг аҳволга тушиши бўлиб, бунда тижорат ва банк кредити қисқаради. Акция ва облигацияларнинг курси, банк фоизи тушиб кетиши натижасида банклар синиб, ялпи ҳолда банкротликка учрайдилар.

## Валюта инқирози.

- Бунда миллий валютанинг обрўси тушиб кетади. Банкда валюта захираси тугаб, миллий валюта курси тушиб кетади.

## **Биржা инқирози.**

- Бу танглик биржада қимматли қоғозлар курсининг тезда тушиб кетиши, уларни эмиссия қилишни қисқариши, фонд биржалари фаолиятидаги чукур тушкунликда ифодаланади.

## **Экологик инқироз.**

- Атроф-мухитни энг аввало инсон соғлигини йўқотиш, умрини қисқартиришга олиб келадиган даражада вазиятни вужудга келишида ифодаланади. У саноатнинг шиддатли тарзда ўсишига йўл қўймайди.

## **Тармоқлар инқирози.**

- Бу миллий хўжаликнинг бирон-бир тармоғини қамраб, ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши ёки нормал хўжалик алоқаларининг бузилиши туфайли юз беради.

## **Таркибий инқирозлар.**

- Иқтисодиётдаги инқирозлардан бир кўриниши ёки унинг бир тури таркибий инқирозлардир. Бу инқирозларни ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари билан тармоқлар ривожланиши ўртасидаги чукур номутаносибликлар келтириб чиқади.

## Аграр инқиroz.

- Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий инқиrozлар аграр инқиrozлар деб аталади.

1 • қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нисбий ортиқча ишлаб чиқарилиши, унинг сотилмай қолган жуда катта захираларининг тўпланиши;

2 • нархларниң пасайиши, даромадлар ва фойдаларниң камайиши;

3 • фермерларниң оммавий равища хонавайрон бўлиши, улар қарзларининг ортиши;

4 • қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизларниң кўпайиши.

Иқтисодиётда мувозанатнинг бузилишини мунтазам ёки аксинча тарзда юз беришига кўра даврий, оралиқ, номунтазам инқирозларга ажратиш мумкин.

### Даврий инқирозлар

- маълум вақт мобайнида такрорланиб туради.

### Оралиқ инқирозлар

- тўлиқ цикл буйича юз бермайди. Циклнинг бирон-бир фазасида тўхтатилади. Улар нисбатан унча чуқур бўлмай, қисқа муддат давом этади.

### Номунтазам инқирозлар

- бирон-бир алоҳида сабабларга кўра юз беради. Масалан, табиий офат, сел, тўфон, қурғоқчилик туфайли иқтисодиёт танг аҳволга тушиб қолиши мумкин.

# Такрор ишлаб чиқариш нисбатларининг бузилиши тавсифига кўра инқирозлар

## Ортиқча ишлаб чиқариш инқирози

- турли наф келтирадиган неъматларни кўп ишлаб чиқариш, лекин уларни тўла сота олмасликда намоён бўлади.

## Тақчил ишлаб чиқариш инқирози

- даврида мувозанат бузилиб, етишмовчилик натижасида танг аҳвол келиб чиқади. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг танг аҳволга тушишига фақат ортиқча ишлаб чиқариш эмас, балки тақчил ишлаб чиқариш ҳам сабаб бўлади.

*Эътиборлариниз учун раҳмат!*